O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

# MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 3-yanvar, chorshanba, 1 (384)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

## «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» — ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

**Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ҳар йилгидек болажонларнинг таътил кунларида «Президент арчаси» байрами ўтказилмоқда.**

Ўзбекистон халқ артистлари Исмоил Жалилов, Афзал Рафиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомов, «Ниҳол» мукофоти совриндори Ирода Дилроз ҳамда цирк артистларининг чиқишлари йиғилганларга байрамона кайфият улашаётир. Дастурнинг доимий қатнашчилари бўлган «Томоша» болалар театри жамоаси бу йил ҳам болажонлар хизматида. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нодира Қурбонова саҳналаштирган мусиқий спектакль намойиши ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

*Эътироф*

## ШУКРОНАЛИК

**Самарқанд вилоятининг олис бир қишлоғида туғилиб, ўсганман. Қарийб ўттиз саккиз йилдирки, хизмат юзасидан пойтахтимиз Тошкентга тез-тез келиб тураман. Ҳар сафар бу азим шаҳарга келганимда Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган янги-янги бунёдкорлик ишлари, ўзгаришларни кўраман. Айниқса, Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда истиқлол йилларида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Янги-янги иншоотлар қад ростлади, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Сенат ва Ҳукумат бинолари, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси барпо этилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланиб, ўзгача бир чирой касб этди.**

Бош майдоннинг тўрида бронзадан ишланган, ер шарида мустақил Ватанимиз ҳудудини билдирувчи глобус, унинг пойида эса боласини бағрига олган Бахтиёр она ҳайкали салобат тўкиб турибди. Майдоннинг яна бир томонида Хотира хиёбони бор.

Мустақиллик майдонига келган ҳар бир кишининг қалбида ғурур ва фахр ҳисси уйғониши шубҳасиз. Бу ерга қадами етган катта-ю кичикнинг дилида Ватанга бўлган меҳру муҳаббат жўш уради, юраги ҳапқириб, ҳаяжонга тушади. Қадамларингиз беихтиёр секинлашади. Оҳиста-оҳиста одимлаб борар экансиз, хаёлга бериласиз. Шу онда кўнглингиздан кечган туйғулар орасида она юртга садоқатли бўлиш, Ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида фидойилик, бурч ва масъулият ҳам бор, албатта.

Яқинда «Дўстлик-Тошкент» йўналиши бўйича қатнайдиган автоуловда эски танишим Абдураҳмон ҳожи отани учратиб қолдим. Йўл-йўлакай отахон билан суҳбатлашиб келдик. Тошкентга етиб келгач ҳамроҳим «ука, Мустақиллик майдонини бир айлантирсангиз...» деб қолдилар. Ҳожи ота билан метронинг «Мустақиллик майдони» бекатида тушиб, Эзгулик аркаси томон бордик. Майдондаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратландик. Етмиш ёшдан ошган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп бор тотиб кўрган отахоннинг ҳар гапида обод ва озод кунларга шукроналик бор эди.

— Илоё, юртимизга кўз тегмасин! Тинчлик, хотиржамлик бўлсин. Шундай яхши ишни бошлаганлар омон бўлсин...

Ҳамроҳим анча хаёлга берилиб ён-атрофни томоша қилди Кейин эса:

— Юринг, ука, Хотира хиёбонини ҳам бир зиёрат қилайлик, — дедилар менга қараб.

— Отахон, бу ерларга аввал ҳам келганмидингиз? — деб сўрайман.

— Йўқ, биринчи келишим, — дейди отахон хиёбон томонга мени бошлаб. — Телевизорда кўриб, албатта, бориб кўраман, деб юрардим. Шу кунлар насиб этди. Ўзгаришларни қаранг, қандай обод замонларга? Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Бундай дориломон кунлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, ўзингиз тарихни яхши биласиз.

Мангулик китобини биргалашиб варақлаймиз. Отахон Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қишлоқдошларини эслади. Уларнинг исмини топганимни айтганимда кўзига ёш олди. Кейин эса:

— Урушнинг оти ўчсин-да, Яратганнинг ўзи тинчлик берсин ҳамма юртга. Умри хазон бўлганларнинг охирати обод бўлсин, — деб хўрсинганларича юзларига фотиҳа тортдилар.

Ҳожи ота билан Мустақиллик майдонини анча вақтгача айландик. Ҳамроҳим ҳар бир иншоотга узоқ тикилиб турар, «Шундай баланд, чиройли биноларни ҳам ўзимизнинг қурувчилар қурса бўларкан-ку, бунёдкорларига раҳмат», деб қўярдилар.

Шу куни Мустақиллик майдонини айлангани келган бир неча юртдошлариимз билан ҳам суҳбатлашдик.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларида пойтахтимиздаги тиббиёт олийгоҳитни тамомлагандим. Мана, бир неча кундирки, малака ошириш курсида ўқияпман, — деди ўзини Жомбой тумани марказий касалхонаси бош шифокори деб таништирган Бурҳон Ўринов. — Бўш вақтларимда шаҳар айланаман. Жуда катта ўзгаришлар бўлибди. Кўриб, ҳайратга тушаяпман. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури асосида ўтган йили туманимизда ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чекка қишлоқларда қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланди. Буларнинг ҳаммасини мустақиллик меваси, истиқлол берган имконият, деб биламан.

Абдураҳмон ота яна бир ҳамроҳини чақирди. Дўстлик туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори Мурод Норқобилов ҳам суҳбатимизга қўшилди.

— «Қувноқ стартлар» телемусобақасида қатнашиш мақсадида ўқувчиларимизни Тошкентга олиб келгандик, — деб гап бошлади у. — Пойтахтимизда катта ўзгаришлар юз берибди. Тошкентга келиб бу жойни кўрмай кетиш мумкинми, ахир?

Майдоннинг тўридаги Бахтиёр она ҳайкали томон бораётган бир гуруҳ ёшларга кўзимиз тушди. Шу онда ҳаммамиз мустақиллик фарзандларига ҳавас билан қараётгандик.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.**

### ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Муборак туман кенгаши томонидан "Ёшлар ва сиёсат" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

***

**Партиянинг Жиззах шаҳар кенгашида "Миллий ва маънавий қадриятларимиз ёшлар эътиборида" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

***

ЎзМТДП Наманган вилояти кенгашининг ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

***

**Партиянинг Тошкент вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "Ёшлар — миллат келажаги" мавзуида тадбир ўтказилди.**

***

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Ёшлар ва маънавият" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

***

**Партиянинг Наманган туман кенгаши "Хотин-қизлар қаноти" томонидан "Ҳаёли қиз — маҳалла кўрки" номли кўрик-танлов ўтказилди.**

***

ЎзМТДП Сирдарё вилояти кенгашида "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" мавзуида тадбир ташкил этилди.

***

**Партиянинг Тошкент шаҳар Учтепа туман кенгаши "Хотин-қизлар қаноти" ташаббуси билан "Аёл — тараққиёт таянчи" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

***

ЎзМТДП Вобкент туман кенгашида "Аёл — баркамол авлод мураббийси" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

***

**Партиянинг Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши томонидан "Миллий тикланиш" демократик партиясида хотин-қизларнинг ўрни" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

***

ЎзМТДП Нишон туман кенгаши томонидан "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

***

**Партиянинг Асака туман кенгаши ташаббуси билан "Биз диний ақидапарастликка ҳамда халқаро терроризмга қаршимиз" мавзуида тадбир ўтказилди.**

***

ЎзМТДП Хатирчи туман кенгаши томонидан "Таълим тизимида миллий ғоя тарғиботи" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

**ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.**

*Табрикни ўқиб*

## МИЛЛИОНЕР ФЕРМЕРЛАР КЎПАЯВЕРСИН

**Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, аввало ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларни замон талаблари даражасига кўтариш, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик ҳаракатига ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан кенг йўл очиб бериш, уларни мамлакатимиз истиқболининг ҳал қилувчи кучига айлантириш масалаларига эътибор қаратилгани ва бу бундан буён ҳам давлатимизнинг диққат марказида бўлишини алоҳида таъкидланғани биз фермерларни руҳлантириб юборди.**

Ҳар гал Янги йилнинг илк дамларида беихтиёр ўтган йилда бошимиздан кечирган қувончли ва ташвишли кунлар, ҳаётимиздаги муҳим ва унутилмас воқеалар хаёлимиздан ўтади. Йўл қўйилган камчиликлар оқибатлари яна бир карра аён бўлади. Йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келишини, хирмонларимиз ғалла-ю пахтага тўлишини ният қиламиз. Яратгандан ниятларимиз ижобатини сўраймиз.

Ўтган йили фермер хўжалигимиз учун жуда хайрли бўлди. Ҳар гектар ғалла майдонидан 62 центнердан, пахтадан эса 44 центнердан хирмон кўтардик. Олган соф фойдамиз ўн беш миллион сўмдан ортиб кетди.

Истардимки, бу йил биз каби миллионер фермерлар сафи кенгаяверсин. Замин ўз неъматларини бободеҳқонларимизга ҳадя этаверсин!

**Мадамин ИСМОИЛОВ, Қўрғонтепа тумани "Акбаршоҳ саховатлари" фермер хўжалиги бошлиғи.**

*Фидойи касб эгалари*

## ЙИЛНИНГ СЎНГГИ СОАТЛАРИДА

**Ўттиз биринчи декабрнинг охирги лаҳзаларини биз албатта, тўкин дастурхон атрофида ўтказамиз. Лекин бу дақиқаларда иш жойларида ўтириб, хизмат вазифаларини адо этаётган кишилар ҳам кўп. Хўш, улар биринчи январь тонготарини ишхонада қарши олаётиб, қандай кайфиятда бўладилар? Балки бутун тун давомида эсда қоларли бирор воқеага дуч келишгандир?! Эски йил тарих саҳифасига кузатилиб, янги йил кутиб олинган қадрли соатларда уларнинг бизга айтар сўзлари бормикан? Ана шундай касб эгаларининг қалбига қулоқ тутайлик-а!**

### ДИЛ ОВЛАМОҚ ШАРАФДУР

**Наталья САИДОВА, Тошкент шаҳридаги 1-«Мурувват» болалар уйи директори:**

— Қадимда бир киши ҳажга бормоқ ниятида маблағ йиғди, сўнг уни бир жойга тўплаб, тонг отишини кутибди. Худди шу оқшомда ҳаво айнаб сел келибди ва фақиргина қўшнисининг нураган уйи қулаб тушибди. Қўшнисининг бола-чақаси билан ташқарида дийдираб турганини кўриб қўлидаги белбоғни тутқазибди ва дебди:

— Мен эрта тонгда ҳаж томон йўл олмоқчи эдим, лекин сизларни бу аҳволда кўриб ниятимдан қайтдим. Манави пулга ҳовли сотиб ол, мен ҳажга кейинроқ борсам ҳам бўлар!

Қўшни белбоғдаги пулни олиб уни узоқ дуо қилибди. Ҳалиги одам уйига қайтиб кириши биланоқ ғойибдан «Ҳажинг қабул бўлди!» деган товуш эшитилибди...

Худди шу ривоятни маҳаллалардан биридаги учрашув чоғида кекса одамдан эшитгандим. Қандай ажойиб инсонлар бор-а! Мехрибон, сахий... Шундай кишилар бугунги кунимизда ҳам жуда кўп. Буни кейинги йиллардаги иш фаолиятим давомида кўп бора кузатдим. 320 нафар майиб-мажруҳ болалар тарбияланадиган бу масканни ахтариб келувчилар, ўз хохиши билан ёрдам қўлини узатаётганлардан жуда миннатдормиз. Республика «Қизил Ярим Ой» жамияти, АҚШ, Исроил, Чехия элчихоналари, институтлар, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, «Совпластитал», «Ўзихтисоссаноат» сингари элликка яқин идора ва ташкилотлар бизга ҳомийлик кўмагини бериб туришибди. Бу ерда тарбиланаётган болаларнинг ҳар биттаси алоҳида диққат-эътиборни талаб этади, барчаси парваришталаб, меҳрга муҳтож. Кўпчилигининг мияси, оёқ-қўли ривожланмасдан қолган, ҳаракат қилолмайди. Шундай бўлса-да, бу болакайлар ҳаёт неъматларидан бахраманд бўлмоқлари зарур. Ахир, уларда ҳеч гуноҳ йўқ. Ҳар биттаси яшашга, дунёнинг қувончу ташвишларини оз бўлса-да, тотиб кўришга ҳақли. Жамоамизда ўнлаб психологлар, шифокорлар, тарбиячи ходимлар бор. Ҳаммамиз ногирон болаларга меҳр бериш, уларни авайлаб-асраш ниятида туну-кун ишлаймиз, кўпинча байрамларни шу ерда ўтказамиз, янги йилни шу масканда қарши оламиз. Йилнинг сўнгги соатларида болалар уйи ҳовлисига бир дунё ўйинчоқ ташлаб кетадиганлар учрайди. Биламизки, улар бу ерда ётган қайсидир боланинг отаси ё онаси. Ўзларини бизга танитгиси келмайди-да! Ўйинчоқларни эса ҳамма болаларга улашамиз. Мана шунақа! Дарвоқе, маҳалладаги ўша учрашувда қария одам яна бир гапни ҳам айтган эди. «Каъбага бормоқ на ҳожат, агар дил овласанг!» Эсимда қолгани шу. Демак, дил овламоқ улуғ шараф экан, Азизларим, янги йилда ҳар биримиз ён-атрофимиздагиларнинг кўнглига яқин бориб, кўнгилларини овлаб яшайлик, дегим келади.

**(Давоми 2-бетда).**

*Тадбир*

## ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖИ – ИСТИҚБОЛ БЕЛГИСИ

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда «Энергетиканинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида халқаро илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуман ишида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш, илмий текшириш ва олий таълим муассасалари олимлари ва мутахассислар, шунингдек, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан олимлар иштирок этишди. Мутахассислар «Ҳозирги замон энергетикасининг ҳолати ва унинг истиқболдаги ривожи», «Киот протоколи ва Ўзбекистон учун имкониятлар», «Ҳозирги замон ахборот технологияси ва иссиқлик энергетикаси», «Ангрен қўнғир кўмирини ёқиш энерготехнологиясини яратиш» сингари бир қанча долзарб мавзуларда маъруза қилишди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

# САХОВАТ, МУРУВВАТЛИЛИК УМРБОҚИЙДИР

**Ҳомийлар ва шифокорлар йили якунлана боргач, келаси йил қандай аталаркин, деб ўйланиб қолгандим. Ўзимча фаразлар қилдим. Ҳамкасблар билан шу хусусда тез-тез фикрлашдик ҳам. Дарҳақиқат, келгуси йилларда ҳам юртимизда ҳомийлик нафаси уфуриб туришини жуда-жуда истардик. Президент Ислом Каримов Конституциямизнинг 14 йиллиги байрами муносабати билан сўзлаган нутқида 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилганларида, тўғриси, хурсанд бўлдик.**

Ижтимоий ҳимоя — миллий, фалсафий, сиёсий хусусиятга эга тушунча. Бу сўзда шарқона бир маъно бор — ўзлигимизнинг чуқур илдизларини янгидан кашф этиш, ахлоқий-маънавий қадриятларимизни тикланиши ва авлодларга мерос бўлиб қолиши учун ҳам кўмак беради.

Фалакнинг ишини қарангки, янги 2007 — Ижтимоий ҳимоя йилининг бошланиши муқаддас Қурбон ҳайити кунларига тўғри келди. Қурбонлик қилувчиларнинг асл мақсадларидан бири шундай улуғ кунларда мазали таомлар тайёрлаб, ноз-неъматларга тўла дастурхон атрофида ўтирганларида етим-есирлар, ногирон ва нотавонлар тўғрисида ҳам ўйлайдилар. Уларга ёрдам қўлларини чўзадилар. Ҳа, барча бирдек яйраса, кўнгиллардан ғуборлар кетиб шодланса, қандай яхши.

Қадим замонларда Ҳотам деган сахий киши ўтган экан. Унинг номи қиёматгача яхшилик ила ёд қилинур, деб улуғ китобларда битилган. Ҳотам бор давлати-ю топганларини муҳтожларга, эҳтиёжмандларга тортиқ этиб юборавергани, яъни халқининг ижтимоий ҳимояси учун сарфлаган. Бугун ҳам биз саховатли, қўли очиқ инсонларни ҳотамтой деб аташимиз бежиз эмас.

Шунингдек, тарихда кўп улуғ аждодларимиз ўзларининг сахийлиги билан ном таратган. Амир Темур, Хожа Ахрор Валий, Алишер Навоий ва яна кўплаб бобокалонларимиз эл ғамини ўз ғами деб билишган. Одамларга моддий ва маънавий мададкор бўлиб мислсиз ишларни амалга оширгани боис ҳам уларнинг номлари асрлар давомида яхшилик бирла яшаб келаётир. Дейдиларки, кийган тўнинг эскирар, кийдирганинг эскирмас.

Тангри таоло сахийдир — сахийликни яхши кўради. Одамларни ижтимоий ҳимоя қилишга бел боғлаган юртга Аллоҳ барака ато этаверади.

Йиллар, ўн йиллар ўтар, иймоним комилки, мустақиллик йилларида амалга оширилган, саноғига етиб бўлмайдиган ижобий ўзгаришлар тарих саҳифаларидан авлодларга ибрат бўладиган чиройли бир тарзда жой олади.

Бундан ўн беш йил аввал бўлган воқеаларни бир эсланг. Сўзлашимиз ҳам, фикрлашимиз ҳам бошқача эди. Кимгадир қарамдай, кимдандир тилимиз қисиқдай яшардик. Қадриятларимизни оёқости қилганлар шарафига билиб-билмай қарсаклар чалардик. Мустақиллик шарофати билан минг йиллик қадриятларимиз тикланди. Аждодларимиз ким эканини теранроқ англаб етдик. Ёшларимиз ғурурли, ифтихорли ва ҳеч кимга бўш келмайдиган бўлиб камолотга етаётир. Келажак овозини бугун ҳис этиб турибмиз. Шундай ширин воқеаларни ёзиб завқланасан киши.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.**

# Юртимиз чиннилари



*Тошкент туманидаги «Миллий фарфор» масъулияти чекланган жамияти томонидан хонадонларимизга ярашадиган пахта гулли чойнак-пиёлалар, лагану ликопчалар, турли хил чинни идишлар ишлаб чиқарилмоқда.*

*Уларнинг сифати яхшилиги, ранги кишини тортиши туфайли чинниларга бўлган талаб ортиб бормоқда.*

**Суратларда: Маҳфуза Муҳаммаджонова шогирдлари Фотима Исмоилова, Умида Солиҳовалар билан; қўли гул ишчи Ҳафиза Ҳамидова.**

**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

# ЙИЛНИНГ СЎНГГИ СОАТЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ФИРИБГАР ҚАРМОҚҚА ИЛИНГАН КУН



**Гулнора ОЧИЛОВА, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори, майор:**

— Мактабда ўқиб юрганимда синфдошларимга: «Мана кўрасизлар, барибир ГАИда ишлайман!», — дердим. Ўшандаёқ фаришталар «омин» деган эканми, шу соҳани эгалладим. Навоий вилоят Давлат автомобиль назорати(ДАН)да йигирма йилча фаолият кўрсатдим.

Оилада беш ўғил ичида ўсиб-улғайганим учунми, феълимда шаддодлик бор. Касбимда шу кўпинча иш беради. Ахир, баъзан кеча-ю кундуз ишлашга, байрамларда ҳам иш жойимизда бўлишга тўғри келади. Шундай вақтда аёл киши шижоаткор ва жасур бўлмоғи шарт. Ҳатто янги йил остонада турган чоғлардаям машиналар қатнови тўхтаб, эл-улус тинчимагунича уйга қайтмасдик. Чунки айрим фирибгарлар ўзларининг ноқонуний ишларини ярим тунда бажаришади-да. Эсимда, ГАИда ишлаган кезларимда балиқ овлаш мумкин бўлмаган ойларда яширинча овланган «ўлжа»ни машинада четга олиб кетаётган броконьерларни тўхтатиб қолишда қатнашдим. Бундай ҳодисалар иш тажрибамда кўп учраган.

Беш йилдирки, пойтахтдаман. Ҳозирги лавозимда ҳам ўз касбимга содиқ иш тутиб, маҳалла ва мактабларда ёшлар ўртасида майда безорилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар уюштираман. Мақсадим — жиноятчиликка қарши курашда ҳар биримиз фаолроқ бўлсак... Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, озодлик қуёши доимо нур сочиб тураверади. Янги йилда барчага хотиржамлик тилайман!

## ВАҚТ ЎТМАСИН, ШОШИЛАЙЛИК!



**Жасур ЁРЛАҚАБОВ, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали врач-травматологи:**

— Қишлоқлар бир-биридан анча олис, бахтсиз тасодифлар эса ҳар қадамда учрайди. Бундай вақтда улов топиб, шифохонага бориш осон эмас. Марказимизга мурожаат этишади, ўзимизга ажратилган машинада дарров етиб борамиз, қарабсизки, хатарнинг олди олинди! Устозим — марказимиз директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухтор Эшбековнинг бизга тез-тез уқтирадиган битта ўгити бор. «Вақт ўтмасин, шошилайлик», — дейди доим. Ўйлаб қарасак, инсоннинг ҳаёти қил устида турганида шошилмаслик асло мумкин эмасда! Ўтган бир йил ичида мингдан ошиқ жарроҳлик иши бажарилди, ўттиз мингтадан кўп одамга чақириқ асосида зарур тиббий кўмак берилди. Ўн минг беморга малакали амбулатория ёрдами кўрсатдик. Байрамда ҳам ишлашга тўғри келади. Беморнинг ҳаётини сақлаб қолганимизнинг ўзиёқ ўнта байрамга татийди! Янги йилда одамларга айтадиган гапим шундай: «Дардингизга шифо излаб табибга югурманг, дарров бизга мурожаат этинг! Вақт ўтмасин, хатарнинг олдини олайлик, токи, кейин кеч бўлмасин!» Ахир, ҳаёт Аллоҳ иньом этган қутлуғ неъмат, уни асрайлик, қадрига етайлик...

## ҚОРБОБОЛАР ТАБРИГИНИ УЗАТДИК...

**Муқаддас ХАЛИЛОВА, Ўзбекистон Телерадиоканалининг «Ёшлар» гуруҳи бошлиғи:**

— Декабрнинг сўнгги кунида тингловчиларимизни янги йил билан қутлаш учун таҳририятимизга ўттиз чоғли Қорбобо ташриф буюрди. Уларнинг бештасини кутиб олиш бизнинг жамоамиз чекига тушди. Қорбоболар асосан таниқли артистлардан иборат. Улар эфир орқали радиотингловчилар билан жонли мулоқот ўрнатишди. Табрик эгаси ким эканлигини бехато айтган тингловчига Қорбобонинг алоҳида совғаси топширилди.

Ўттиз биринчи декабрдаги «Ёшлар базми» махсус байрам эшиттиришининг сўнгги соатлари бизнинг жамоамиз учун ажратилганини эшитиб, очиғи, бироз ҳаяжонлангандим. Ахир, янги йилни қарши олиш чоғида студияда радиотингловчилар билан бирга бўлиш... Бунинг ўзига хос масъулияти бор. Ҳаяжонли лаҳзаларда тингловчиларимизга энг чиройли сўзларни топиб айтиш осонмикан? Буни уддалай олармиканмиз? Сўнг ўз-ўзимга савол бердим. «Мен нега чўчияпман? Ўттиз йиллик иш тажрибасига эга бўлган радиожурналист бўлсам. Узоқ йиллар «Ҳаёт дарси», «Ибо маликалари» радиоэшиттиришларини олиб бориб, қанча-қанча мақтовлар эшитдим-ку? Демак, янги йил дастурини ажойиб ўтказа оламан!» Ишонч билан ишга киришдим, дастурни қизиқарли суҳбатлар билан бойитдим. Ҳаммамиз орзиқиб кутаётган соатларда Қорбоболарнинг табригини юртимиз кишиларига узатдик.

## ЭНГ ЗАРУР ЮМУШ — ХАВФСИЗЛИК

**Санобар ТЎХТАЕВА, Тошкент метрополитенининг масъул хизматчиси:**

— Метрога кириб-чиқаётган йўловчилар бекатлардаги осойишталикни кўриб қувонишади, албатта. Аслида шу осойишталик ортида бизнинг катта хизматимиз борлигини кўпчилик сезмаслиги мумкин. Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш — асосий ишимиз. Бир воқеани айтиб берай. Йилнинг сўнгги куни эди. Бу кунда югур-югур, чопа-чоп, метро бекатлари гавжум бўлади. Янги йил ташвишлари билан шошиб кетаётган йўловчиларни синчиклаб кузатардим. Ойнаванд эшикдан уч нафар аёл кирди. Олисроқ жойдан келишган шекилли, касса бўлими юқорисига осиб қўйилган соатга қарай-қарай илгари юрдилар. Улар орасида анча ёшга бориб қолган онахон ҳам борлигини кўргач, ўрнимдан қўзғолдим. Меҳмонларни поезд тўхтайдиган жойгача эргаштириб келдим. Шунда ҳалиги кампир: «Қизим, ер остига биринчи марта тушишим, қўрқиб кетяпман», — деди. Мен аёлни тинчлантирдим. Худди шу вақт узоқдан поезд кўринди. Унинг ҳайбатли кўринишими ё гувиллаган товушими, кампирни чўчитиб юборди. Поездга қаради-ю «вой» деганича ҳушини йўқотди. Бу ҳолдан ёнидаги иккала аёл ҳам эсанкираб қолдилар. Мен дарҳол биринчи тиббий ёрдамни кўрсатдим. Онахон кўзини очди. У тез-тез, оғир нафас оларди. «Тез ёрдам» чақириб онахонни касалхонага элтдик. Икки аёл ҳам беморнинг ёнида қолишди. Бу пайтда янги йил аллақачон кирган, ташқарида байрам «салют»лари эшитиларди. Мен эса бўлиб ўтган воқеадан раҳбариятни хабардор этишга шошилдим. Хизмат жойидаги ҳушёрлигим туфайли ўшандан сўнг ҳаракат хавфсизлиги фидойиларига бериладиган медаль билан мукофотланганман. Касбимиз ўта оғир, лекин жуда-жуда шарафлидир. Ҳар қадамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга шошиламиз.

## ЧОРАК АСРКИ, «ФОРМА»ДАМАН...

**Улжалқас РАҲИМОВА, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Ички ишлар бўлими навбатчилик қисмининг оператори:**

— Бошдан-оёқ ишга кўмилганман десам, янглишмаган бўламан. Ҳатто кенжа қизим Баян туғилгандан сўнг уч-тўрт ой ўтиб-ўтмай ишга чақириб олишган. Иш кўпайиб кетса байрамлар ҳам эсдан чиқади баъзан. Янги йил байрами ҳақида гап кетса, бир воқеа ёдимга тушади. Турмуш ўртоғим билан бирга кечаси сайр қилиб юрганимизни кўрган бир опахонимиз мени қоронғида танимай ич-ичидан эримдан ранжиган. «Тавба, Қодиржон туппа-тузук киши эди, аёли билан аҳилу иноқ яшашарди, нима бўлдийкин, бегона аёл билан сайр қилиб юрибди?», — деб ҳайрон бўлган. Биз сайрдан қайтиб келаётиб яна шу опахонга рўпара бўлдик. Шунда у: «Вой, сизмидингиз!», — деб қотиб-қотиб кулганди. Ахир, йигирма беш йилдан бери хизмат формасида юрганим, ўша куни эса байрам либоси кийиб олганим туфайли қўшним мени танимаган экан!

Ишим ҳақида гапирсам... Биласизми, биз психолог ҳам бўлишимиз керак. Менга эса кўп йиллик иш тажрибам ёрдам беради. Баъзи бир жиноятчиларни камерага кузатиб қўяётганимда уларнинг юз-кўзидан нима демоқчи эканини англаб тураман. Касбимиз ўта нозик, жуда масъулиятли.

Уйда эса онаман, беш нафар фарзандим бор. Яхши уй бекаси бўлишга ҳаракат қиламан. Юртимиздаги ҳар бир хонадон фарзандлари соғлом фикрли, билимдон бўлишини орзу қиламан, ана шундагина ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади. Инсон шундай яшаши керакки, эл-юрти ундан ҳамиша рози бўлсин, уни олқишласин...

**Суҳбатларни Гулчеҳра ЖАМИЛОВА ёзиб олди.**

Таклиф

# ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

**Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида унинг аҳамияти жуда катта. Республикамизда лизинг олувчи субъектлар етарли даражада. Бироқ асосий вазифа лизинг инфраструктурасини ривожлантиришдан иборат бўлиши керак.**

Мавжуд бўлган асосий фондларни доимий равишда янгилаб, янги технологияларни жорий этиб бориш ҳар бир хўжалик фаолиятида асосий ўрин тутади. Чунки уларни янгиламасдан туриб рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мушкул. Янги техника учун молиявий манбаларни излаб топиш бозор ва лизинг инфратузилмаси ривожланишини тақозо этади. Лизинг молиявий ресурслар чекланган даврда корхоналарнинг машина ва асбоб-ускуналарини қисқа муддат ичида янгилашга ёрдам беради. Айниқса, молиявий ресурсларга эга бўлмаган ишбилармон, ташаббускор, тадбиркорларга бу усул жуда қўл келади. Лизинг иқтисодиётга чет эл капиталини олиб кириш ва энг замонавий янги технологиялар, зарур асбоб-ускуналар билан корхонани жиҳозлаб, уни оёққа турғазишга ҳам асос бўлади.

Тадбиркорнинг корхона учун ускуналар олиб келишига етарлича шахсий жамғармаси бўлса, муаммо осон ечилади. Аммо ҳар доим ҳам маблағ етарли бўлавермаслиги мумкин. Бундай вазиятда банкка кредит олиш учун мурожаат қилиш ўринли. Бироқ ҳамма ҳам кредит олишга шошилавермайди. Шундай пайтда тадбиркор учун бошқа йўл мавжуд. У ускуналарни лизингга олиб келиш имконига эга. Айниқса, гаровга қўйиш учун моддий бойликлари бўлмаган кичик бизнес корхоналари ва тадбиркорлар учун бу жуда қулайдир.

Шу ўринда лизинг шартномаси қандай тузилади, деган савол туғилиши табиий. Бу жуда қулай. Лизинг берувчи олувчининг топшириғига биноан маҳсулот сотувчидан белгиланган ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун молмулкни шартнома асосида олади. Молиявий лизинг операцияларини ўтказиш бўйича солиқ имтиёзлари бериш Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳажмда нодавлат инвестициялари киритилишига асос бўлади, албатта. Республикамизда лизинг муносабатларини ривожлантириш тўғрисида 1995 йилдан бошлаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилина бошланди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 34-боби 1-қисми лизингга бағишлангани ҳам юртимизда бу соҳага бўлган эътибор етарли даражада эканлигидан далолат бериб турибди. 1999 йил 14 апрелда «Лизинг тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Айниқса, 2002 йил 28 августда Президентимиз қабул қилган «Лизинг фаолиятини ривожлантириш ва янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳам ишни жадал ривожлантириш имконини берди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни замонавий технология ускуналари билан таъминлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникаларни сотишда лизинг берувчи ва олувчиларнинг солиқларни тўлашлари бўйича бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, лизинг тўловлари божхона тўловидан ҳамда қўшилган қиймат солиғидан, шунингдек, лизинг олувчилар шартнома амал қиладиган муддатгача лизингга берилган мол-мулк учун мулк солиғини тўлашдан озод этилган.

Юртимизда мавжуд лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қулай инвестиция иқлимини вужудга келтирибгина қолмай, хусусий мулк компаниялари ва бошқа инвесторларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка маблағ қўйишларига ҳам замин яратади. Республикамиздаги «Барака», «Қурилишлизинг», «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари турли хил техника ва технологиялар, иншоотлар, асбоб-ускуналарни лизингга бериш билан шуғулланади.

Бугунги кунда клиникалар учун ғоятда зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар республикамизга асосан четдан кириб келади. Негадир бирорта компания ана шу жиҳозларни лизингга бериш билан шуғулланмайди. Бизнингча, лизинг компаниялари клиникаларимизга «Магнит резонанс» — томография, компьютер томография, УЗИ, эндоскопия, рентген текширув жиҳозларини ижарага бериш ишини йўлга қўйса, ҳар томонлама фойдали бўларди. Агар бу иш амалга оширилса, халқ саломатлигини асраш йўлида яна бир қадам қўйилишига ишончимиз комил.

**Дурбек АБДУРАҲМОНОВ, Аббосхон ВАККОСОВ, Солиқ академияси тингловчилари.**

# ДЕҲҚОНЛАРГА ИМКОНИЯТ

**Мамлакатимизда фермерликка кенг йўл очилгани ўзини ернинг ҳақиқий эгасиман, деган юртдошларимиз учун катта имкониятлар яратди. Бундай эркинлик қишлоқ аҳли ишбилармонларининг қилаётган ҳар бир ишида ўз аксини топаётир.**

2006 йилда наманганлик фермер ва соҳибкор деҳқонлар пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Йил вилоят марказида жойлашган «Наманган-экстрактёг» ҳиссадорлик жамияти учун ҳам омадли келди.

— Етиштирилган пахта ҳосилидан хўжаликларга режа бўйича 6 минг 64 тонна кунжара, 5 минг 727 тонна шелуха етказиб беришга шартнома тузганмиз. Режани вақтида уддалаш учун ишлаб чиқариш имкониятимиз етарли, — дейди корхонанинг таъминот ва сотиш бўлими бошлиғи Ҳамидхон Камолов.

Фермерлар ва ширкат хўжалиги пудратчиларига пахта мойи, шелуха, кунжара маҳсулотларини етказиб беришда ортиқча оворагарчиликнинг олдини олишни кўзлаб жамият томонидан Косонсой, Тўрақўрғон, Чуст, Наманган, Мингбулоқ туманларида махсус шаҳобчалар ташкил этилди. Ҳар бир хўжалик бу ердан ўз улушини вақтидан кечиктирмай олмоқда.

**Оқилхон ДАДАБОЕВ.**

Элга таниқли одамлар

# «САҲНА — МАРДЛАР МАЙДОНИ»

**Севимли адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асари асосида суратга олинган «Бобур» номли кўп қисмли видеофильмдаги қаҳрамонлар томошабинлар қалбидан алоҳида ўрин эгаллаган. Шу видеофильмда Хонзодабегим образи бор. Иниси учун ўзида бор ҳамма нарсани иккиланмай фидо қилган мунис аёл тимсоли. Истеъдодли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зуҳра АШУРОВА санъатсеварлар қалбига асосан Хонзодабегим тимсолида кириб келди. Зуҳра опа билан суҳбатимиз ҳам айнан шу роль ҳақидаги хотиралардан бошланди.**

— Ҳар бир санъаткорнинг ҳам ўзи, ҳам мухлислари учун қадрдон роли бўлади, — дея сўз бошлади суҳбатдошим. — Шундай актёр ёки актрисалар борки, битта роли билан кўнгилларни забт этади. Масалан, устоз Зайнаб Садриева Фармонбиби, Гулчеҳра Жамилова Кумушбиби. Гарчи мен ўйнаган Хонзодабегим роли улар даражасида бўлмаса-да, мухлислар номимни мана шу роль билан боғлашади.

**— Роль топширилгандан кейин, албатта, ўша образнинг характерига тушиш, ўрганиш лозим бўлади. Хонзодабегим характерини ўзлаштириш қийин кечмаганми?**

— Бу саволга жавоб бериш учун болалигимга қайтишимга тўғри келади. Дадам талабчан, лекин жудаям ширинсўз, хушмуомала инсон эдилар. Табиийки, биз фарзандлар ҳам бир-биримизга шундай муносабатда эдик. Хонзодабегим ва иниси Мирзо Бобурнинг бир-бирларига муносабати ҳам самимий ҳурмат, меҳр асосига қурилган. Бу мен тарбия олган муҳитга яқин бўлгани учун ҳам қийналмаганман. Хонзодабегимни ўзимдан келиб чиққан ҳолда ўйнаганман. Бундан ташқари, бизнинг пайтимизда «Юлдузли тунлар»ни ўқимаган одам кам топиларди. Ўзим ҳам бир неча марта ўқиб чиққанман бу китобни. Айтиш керакки, Пиримқул Қодиров Хонзодабегим образини мукаммал тасвирлаб берган. Жуда яхши кўриб қолганман бу образни, бироқ бир кун келиб шу ролни менга топширишлари хаёлимга келмаган.

**— Демак, бу омад экан-да?**

— Балки. Бу ролга талабгорлар кўп эди. 1983 йили видеофильмни суратга олиш мўлжалланганда менга Робия ролини топширишган, ҳатто костюмларгача тайёр бўлганди. Лекин турли сабабларга кўра суратга олиш ишлари кечикди. Кейин эса Хонзодабегим ролига таклиф қилишди. Ўшанда биринчи қизим Мафтунахон янги чақалоқ эди. Турмуш ўртоғим нега бу ролни олдингиз, ўйнашга қийналмайсизми, дегандилар. Негадир мен ўзимга ишонгандим.

**— Бу ролни мукаммал ўйнаганман, дея оласизми?**

— Тўғрисини айтсам, видеофильмни кўришга анча вақтгача юрагим дов бермаган. Кейин-кейин одамларнинг эътирофларини эшитгач, кўрганман. Балки ўша пайтда унча билинмагандир. Лекин энди, айниқса, йиллар ўтган сари видеофильмни ҳар кўрганимда ролимдан бир камчилик топаман. Шундай бўлса-да, кўчакўйда, давраларда, йиғинларда «Хонзодабегим» деб аташса тўлқинланиб кетаман. Айнан шу фильмдан кейин Хонзодабегим исмли қизлар кўпайганини айтиб ўтсам, нокамтарликка йўйўмассиз.

**— Бугунги театр, бугунги томошабин ҳақида кўпчилик оғриқли мулоҳазалар билдиради. Савия даражаси тушгани ҳақида кўп эшитамиз. Бу фикрларга қандай қарайсиз?**

— Ҳар бир спектаклнинг ўз томошабини бўлади. Масалан, «Андишали келинчак»нинг ўз томошабини, «Қирол Лир»нинг ўзига яраша талабгорлари бор. Бугун комедия жанридаги спектаклга эҳтиёж кўпроқ сезилаётган бўлса, бу бутун театрнинг ёки ҳамма томошабиннинг савияси пасайди, дегани эмас. Кимдир фалсафий, мазмунан теран спектаклни хоҳласа, кимдир турмуш ташвишларидан зерикканда театрга келиб кўнгил очишни истайди. Биласизми, ҳамма даврда ҳам бу ҳолат бўлган, масалан, «Келинлар қўзғолони» спектакли театршунослар томонидан жуда кўп танқидга учраган. Лекин томошабин келаверган. Мана, бугун «Келинлар қўзғолони» дурдона асарлардан бири ҳисобланади. Балки ҳозир кимларгадир савия даражаси пастдек кўринган спектакларимиз йиллар ўтгач, яхши эътирофларга сазовор бўлар...

**— Лекин ўша давр ва бугунги кун актёрлари орасида ҳам фарқ бор-ку?**

— Фарқ борлиги рост, бироқ бугун истеъдодли актёр йўқ дегани эмас бу. Биз билан елкамаелка ишлаётганлар, энди саҳнага чиқиб келаётган ёшлар орасида ҳам иқтидорли санъаткорлар жуда кўп. Шу мавзуда гап кетганда Лола Элтоеванинг ижоди эътирофга лойиқ. Шу актриса мисолида айтадиган бўлсам, бугун актёр, актрисаларимиз ҳам театр, ҳам кино, ҳам дубляж соҳасида самарали иш олиб бормоқдалар.

**— Сизнинг ҳам бугунги дубляж санъатида ўзига хос ўрнингиз бор. Фикримча, бу ҳам ижодий фаолиятингизнинг узвий бир қисми, шундай эмасми?**

— Тўғри. Мен истардимки, театрга қадам қўяётган ҳар бир ёш актёр дубляж ҳақида тушунчага эга бўлиши керак. Агар ўзимдан мисол қиладиган бўлсам, дубляж менга жуда кўп нарса берди. Овозимни йўналтиришда, нутқимнинг равон бўлишида дубляжнинг ўрни катта. Актёр учун эса бу нарсалар жуда муҳим ҳисобланади.

**— Бир суҳбатда устоз санъаткорлардан бири театр актёрларининг тўйларга чиқаётгани ҳақида айтиб, бу ҳолат соҳа вакилларининг нуфузига салбий таъсир қилишини оғриниб гапирганди...**

— Тушундим. Меъёр деган тушунча бор, ҳамма нарсада ҳам меъёрга амал қилинса, салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Тўғри, бугун кўпчилик актёр, актрисаларимиз тўйларга, давраларга боришади, хусусан, мен ўзим ҳам. Элнинг яхши кунларида хизмат қилишнинг айби йўқ, менимча. Бунинг устига давр шуни тақозо қиляпти. Тўғрисини айтиш керак, ҳамма нарса моддий томонга бориб тақалади. Иккита қизим бор, уларнинг ўқиши, билим олиши учун ҳам турмуш ўртоғим билан бирга қўлимиздан келганча ҳаракат қиляпмиз.

**— Лекин бу санъаткорнинг ижодий фаолиятига ёмон таъсир кўрсатмайдими?**

— Нега, бу ҳам фаолиятимизнинг бир йўналиши. Кимларгадир бизнинг тўйларга, йиғинларга боришимиз фақат пул топиш бўлиб кўринар, балки. Лекин бу ҳам меҳнат, осонликча бўлмайди. Ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, давралардан кўп нарса ўрганаман, ҳатто ўйнайдиган ролларимга кўп характерларни ўша жойлардан топаман. Боришдан олдин тайёрланаман, қанча шеърий, бадиий китобларни ўқишга, ўз устингда ишлашга тўғри келади. Бу жараёнда халққа яқинлашасиз, одамларнинг орасида кўпроқ бўласиз, бу эса меъёрни унутмаган ижодкор учун фақат ёрдам беради. Айтганимдек, давр тезкорликни талаб қилмоқда, шунга кўра биз ҳам улгуришга уриняпмиз.

**— Бу «улгуриш»лар ичида кино ҳам бор-да?..**

— Албатта. Фаолиятим давомида кинонинг ўзига хос ўрни бор.

**— Сиз учун қай бири қадрдон: киноми ёки театр?**

— Кинонинг ҳам, театрнинг ҳам ўзига яраша завқли томони, машаққатли тарафлари бор. Лекин барибир мен учун театрнинг, саҳнанинг қадри бошқача. Устозим Яйра Абдуллаева кўп айтардилар, саҳна — мардлар майдони, деб. Ижодий фаолиятим, ҳаётим саҳна, театр билан боғланган, айнан шу ерда Сорахоним Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Эркли Маликбоева, Икрома Болтаева каби беназир устозлар билан бирга ишлаш, ўрганиш, сабоқ олиш бахти насиб этди. Сора опа ҳар бир ролимдан кейин мени табриклаб: «Мен сизда ўзимни, ёшлигимдаги шижоатим, ғайратимни кўраман. Иқтидорингизга ишонаман», — дердилар.

**— Бу санъаткор учун катта бахт бўлса керак?**

— Нимасини айтасиз! Устозларнинг эътирофи санъаткор, айниқса, ёш актёрлар учун жуда катта таянч вазифасини ўтайди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Дилбар опа командировкага кетдилар-да, «Келинлар қўзғолони»даги Нигора ролини менга топширишди. Зайнаб Садриева эса мени негадир қабул қилолмадилар. Кўнглим чўкди, ўксидим, лекин яхши ўйнашга ҳаракат қилавердим. Шу орада бизни пахта теримига олиб кетишди. Шунда Зайнаб опа: «Нигорани ўйнаса фақат Зуҳра ўйнасин, самолётда бўлса ҳам менга Зуҳрани олиб келиб берасизлар», — деган эканлар. Устознинг бу сўзлари менга қанот бўлган. Инсон яхши ният қилиб яшаса, Худо бераверар экан.

**— Бахтлимисиз?..**

— Шукр, бахтлиман. Лекин тирик инсон армонсиз бўлмайди. Юрагимда катта бир армоним бор. Дадам раҳматли яхши санъаткор бўлишимни, муваффақиятларимни кўришни орзу қилардилар. Ўзимга айтмасалар-да, бошқалардан эшитардим — мен билан фахрланардилар. Минг афсуски, мен унвон олган, санъатда яхши натижаларга эришган кунларни кўрмай оламдан ўтдилар. Асли мени санъат оламига олиб кирган, бу соҳага қизиқтирган, интилишларимни қўллаб-қувватлаган инсон ҳам дадам эдилар.

**— Яна нималар ҳақида гапиришни истардингиз?**

— Адашмасам, бу савол одатда суҳбат сўнгида берилади. Биз санъаткорларнинг бахтимизга мухлисларимиз омон бўлишсин. Бизнинг борлигимиз, бахтимиз шу мухлислар, санъатсевар халқимиз билан. Санъаткорини эъзозлаган юртдошларимизнинг яхши кунларида хизмат қилиб юриш насиб қилаверсин.

**Зумрад ВАҲОБОВА суҳбатлашди.**

Мутолаа

# ДОСТОНЛАР ЯХШИЛИККА ЧОРЛАЙДИ

**Ўзбек халқ оғзаки ижоди ниҳоятда ранг-баранг ва қизиқарлидир. Жумладан, тарихан 1000 йиллар олдинга бориб тақаладиган "Алпомиш" ёки бўлмаса "Гўрўғли" достони туркумидаги 40 га яқин достонлар турли хил сюжетлари-ю воқеалари билан барчамизга севимлидир. Шу сабабли ҳам халқ достонлари асрлар мобайнида қўлма-қўл бўлиб келмоқда.**



Талабалик давримда домламиз "Алпомиш", "Равшан" ва "Кунтуғмиш" достонларини ўқишимиз зарурлигини айтдилар. Биз бу достонлардан парчаларни қуйи синфларда ўқиганмиз, ўрганганмиз. Ва албатта, абитуриентлик давримизда ҳам уларга ишимиз тушган. Шундай бўлса-да, бу достонларни ўшанда яхши ўзлаштирмаганимиз аён бўлди. Домламиз достонларни ўқишимизга вақт бердилар. Талабаларнинг бари уларни излашга тушди. Афсус, фақат "Алпомиш" достонигина қайта нашр қилинган экан. Уни "Шарқ" нашриётидан топдик. Қолган иккитаси эса "Чорсу"да жойлашган илгариги "Турон" кутубхонасида бор экан. "Равшан" ва "Кунтуғмиш" достонининг камлиги бизларни ташвишга солди. Уларни қайта нашр қилса бўлмасмикан? Ахир, биздан кейинги талабалар учун ҳам улар керак-ку, дегандим ўшанда ўзимга-ўзим.

Достонларни ўқиб бўлгач шундай хулосага келдим. Уларни ўқимасдан, уқмасдан туриб халқ оғзаки ижодини ўрганиш, тарихини билиш қийин. Ўқиганларимдан "Кунтуғмиш" достони менда кўпроқ таассурот қолдирганди. Унда асосан воқеалар ривожи Кунтуғмиш Тўра ва Холбеканинг севгисини тараннум қилиш баробаринда кечади. Бу асар фақат ишқ муҳаббатни тараннум этибгина қолмасдан, балки ахлоқий қарашлар, ҳаёт синовлари, тақдир тақозоси муқаррар эканлигини ҳам кўрсатиб беради.

Мисол учун Кунтуғмиш Тўра Нўғой подшосининг ўғли (биз биламизки, шаҳзодалар бекаму кўст яшаганлар). Тақдир унинг бошига шундай кунларни соладики, бир бурда нонга зор бўлиб қолади... Аммо буларнинг бари яхшилик билан тугайди.

Достонлар инсонларга сабоқ беради. Ундан бола ҳам, ўсмир йигит ҳам, отахон ҳам ўзига тегишли хулоса чиқаради. Холбеканинг муҳаббати туфайли бугунги кун қизларимиз садоқат, вафодан, унинг машаққатли ҳаётидан ўзларига тегишли хулоса оладилар. Яна бир мисол.

Холбека Кунтуғмиш Тўра билан чўлда кетаётиб йиқилиб қолади. Шунда ҳам у ёрини ўйлайди.

**Тоза гулсан офтоб тегиб сўлмагин,**
**Ёрим қолди дебон кўнглинг бўлмагин,**
**Қарамайин кета бергин орқанга,**
**Мени деб мард Тўрам чўлда қолмагин.**

Юқоридагиларни ёзишимдан мақсад ўзбек халқининг шунчалик бой адабиёти бор, лекин буни билмайдиганлар ҳам оз эмас. Баъзан кўча-кўйда ер чангитиб юрган йигитларни, бўлар-бўлмас ишларни қилаётган қизларимизни кўрсам, уларнинг шундай нодир хазиналармиздан бехабар эканлигидан хафа бўлиб кетаман. Турли "ужас" фильмларни кўриш ёки дискотекалар билан кунни ўтказгандан кўра ахлоқий ва маънавий сабоқ берувчи шундай достонларни ўқисак, дунёқарашимиз янада ижобийлик касб этарди.

Бунда ота-оналаримиз ва ўқитувчиларнинг болаликдан ўтмиш адабиётга муҳаббат руҳини бериб тарбиялаши ҳам асосий омил ҳисобланади.

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.**
**Азамат АҲМАД олган суратлар.**

*Ёш авлодни билимлар дунёсига олиб борадиган йўл "Алифбе" китоби ҳисобланади. Болаликдаги таассуротлар болажонлар қалбида умрбод яшайди. Яқинда Шайҳонтоҳур туманидаги 316-мактабда "Саводхонлик байрами" ўтказилди.*

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Саломатлик сирлари

# ОВҚАТДАН ҲАМ МУҲИМ ЭҲТИЁЖ

**Бир қатор тадқиқотлардан аён бўлишича, уйқу тирик жонзотлар учун овқатдан ҳам муҳимроқ эҳтиёжлар сирасига кирар экан. Фавқулодда ҳолатларга тушиб қолган ёки ихтиёрий равишда очликни ихтиёр этган кимсалар овқат емасдан 50-60 кун яшай олишлари кўп маротаба қайд этилган. Уйқусиз эса икки ҳафтадан ошиқ муддатга дош беришолмас экан.**

Шу билан бирга, олимлар изоҳлашдан ожиз ғайритабиий ҳолатлар ҳам кузатилган. Чунончи, 77 ёшлик Олаф Эриксон 46 йилдан кўпроқ мижжа қоқмаган: 1919 йилда оғир шамоллаш хасталигини бошидан ўтказгач, умуман ухлаш қобилиятини йўқотган. Ҳатто бир маҳал жарроҳлик амалиётидан ўтишга тўғри келганида шифокорлар наркоз бериб ҳам уни ухлата олишмаганлиги боис оғриксизлантирувчи дори таъсири остида бир амаллаб вазиятдан чиқишган.

Бошқа бир ҳолат Лондонда юз берган. Инглиз Сидней Эдвард 1941 йил июль ойидаги тунги ҳаво ҳужуми пайтида севган қизи ҳалок бўлгач, буткул уйқусини йўқотган. У ўз ҳолатини шундай ифодалаган: «Мен тун ва куннинг фарқига бормайман. Чироқлар ўчгач, мен учун азоб-қийноқлар бошланади. Худдики денгизда ҳалокатга учраган кемада бир ўзим қолгандек гаранг ҳолатга тушаман».

Бундай узоқ муддатли уйқусизликка учраган кимсалар бармоқ билан санарли, албатта. Бир неча кун ёки йиллар давомида тўйиб ухлай олмайдиган инсонларнинг эса саноғи йўқ. Германиялик А. Брахнинг ҳисоб китобларига кўра АҚШда 20 миллион, ГФРда 7 миллион нафар киши уйқуси бузилганлигидан мунтазам шикоят қилади. Бундайлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мажбуран ухлатишга мўлжалланган дори воситаларининг бозори чаққон эканлиги ҳам шундан яққол далолат бериб турибди.

Савол туғилади: уйқу нима ўзи? Бу жараён чоғида инсон танасида қандай ўзгаришлар юз беради? Тирик мавжудот миясидаги кўз илғамас биотоклар ҳаракатини қайд этувчи асбоб — энцефалограф кашф этилгачгина ушбу саволларга қисман жавоб бериш имкони туғилди. Кузатиш биотокларининг ҳаракати сусайиб, секундига 1-3 тебранишга тушиб қолар экан. Ҳолбуки, ҳушёрлик пайти бу тебранишлар секундига 8-13 тебранишни ташкил этади. Яна аниқланишича, инсонлар ва ҳайвонлар қанчалик чукур уйқуга кетмасин, бош мия пўстлоғида тана ҳолатига кўз-қулоқ бўлиб турадиган нуқталар мавжуд бўлиб, айни шу нуқталар фаолияти туфайли ухлаб ётган бўлишимизга қарамай, биз ноқулай вазиятни тўғрилашга уринамиз, ҳаво ҳароратига мос равишда устимизни очамиз ёки ёпиб қўямиз. Соат жиринглаши ёки бошқа бир нохуш товуш сабаб уйғониб кетамиз.

Кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича, танада юз берадиган жараёнларга қараб уйқу икки тоифага бўлинаркан: сокин (тинч) ва жадал (фаол). Сокин уйқу бошланганда нафас олиш ва юрак уриши секинлашади. Мушаклар бўшашиб, кўз қорачиғи камроқ ҳаракатланади. Сокин уйқу чуқурлашган сайин тана ҳаракатлари камая боради ва бундай ҳолатдаги одамни уйғотиш анча мушкул.

Жадал уйқу пайти эса аксинча, нафас олиш ва юракнинг уриши тезлашади, умуман танада фаоллик кузатилади, кўз қорачиғи ҳаракати фаоллашади. Кўз қорачиғининг тезкор ҳаракати уйқудаги одамнинг туш кўраётганлигидан далолатдир: у мабодо 10-15 минут ўтиб уйғотилса, кўрган тушини бемалол айтиб бера олади. Ҳолбуки, сокин уйқудаги одамнинг уйқуси бузилганда, қандай туш кўрганлигини хотирлай олиши мушкул.

Жадал уйқу пайти танада ҳаракатчанлик кузатилгани билан мушаклар бўшашган ҳолатда бўлади ва ухлаётган кишини уйғотиш бир мунча қийин. Бошқача айтганда, жадал уйқу сокин уйқуга қараганда чуқурроқ бўлиб, айни чоғда танада ҳаракатчанлик сақланиб қолиши боис юзакидир. Шунга кўра у бошқача — ажабтовур уйқу деб ҳам юритилади. Гап шундаки, жадал уйқу танамиз учун муҳим аҳамият касб этади. Агар ухлаётган одам мажбуран жадал уйқудан маҳрум этилса (яъни кўз қорачиғи ҳаракатчан паллада уйғотилаверса), етарли муҳлат ухлагани билан 5-6 кундан кейин руҳий ҳолатида номақбул ўзгаришлар содир бўлади.

Кўпчиликни уйқу меъёрлари қизиқтиради. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, барча учун мақбул меъёрнинг ўзи йўқ: кўп нарса кишининг асаб тизими ва ёшига боғлиқ. Тиниб-тинчимайдиган одамлар кунига 6-7, ҳаттоки 4-5 соат уйқу билан бемалол кифояланишса, оғир табиат кишилар 8-9 соат ухлаб олишлари талаб этилади. Кўпроқ ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кимсалар ҳам кўпроқ муддат ухлашга зарурат сезишади. Аммо шуни унутмаслик керакки, шунчаки уйқуни чўзиш билан тана ҳар доим иш қобилиятини тиклаш имкониятига эга эмас. Ҳаракатнинг камайиб кетиши пировард натижада уйқусизликка (айниқса, ақлий, руҳий, маиший зўриқишлар боис) олиб келади. Уйқусизлик сабаб тананинг мунтазам толиқиши турли касалликларни келтириб чиқариш баробарида умрни қисқартириши шак-шубҳасиздир.

Шунинг учун ҳам ҳар куни албатта турли жисмоний машқларни бажариш, озми-кўпми спорт билан шуғулланиш, ҳеч қурса анча масофага пиёда юриб, чигилни ёзиш учун албатта, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш, имкони бўлса сайр қилиб келиш, танага ором, куч-ғайрат бағишловчи уйқуга гаровдир.

Энди барчага аён бир чалкашлик хусусида: кўпчилик ёш ўтган сайин киши кам ухлаши керак, деб ўйлашади. Шу муносабат билан америкалик шифокор П.Тиллер ёши 60 дан ошган 83 нафар кексани кузатув остига олиб, уларни икки гуруҳга ажратди.

Биринчи гуруҳга тез чарчаш, асабийлик, бош айланиши, иштаҳа йўқлигидан шикоят қилувчиларни жамлади. Иккинчи гуруҳга соғлиғидан нолимайдиганлар киритилди. Маълум бўлишича, биринчи гуруҳдан жой олганларнинг ҳаммаси етти ва ундан камроқ соат ухлар экан. Иккинчи гуруҳга мансублар эса кунига саккиз соатдан кам ухлашмас экан (кундузги уйқудан ташқари).

Тадқиқотчи биринчи гуруҳ вакиллари учун уйқу муддатини узайтиришга қарор қилди. Олдинига кўпчилик учун кунига ортиқча иккиуч соат ухлашга кўникиш қийин бўлди. Лекин бунга кўника бошлашлари ҳамон улар ўзларини яхши ҳис этишди ва аввалги шикоятларга ўрин қолмади. Шу асосда П.Тиллер киши кексайгани сайин уйқу муддатини қисқартирмаслиги, аксинча узайтириши лозим деган хулосага келди.

Бундай хулосанинг амалиётга қай даражада тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотчи Г.Цицишвили узоқ умр кўришда ном қозонган Кавказдаги қариялар турмушини ўрганиб чиқди. 90 ва 100 ёшдан ошган бундай қариялар одатда 9 соатдан 16-17 соатгача ухлашаркан. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Олимларнинг уқтиришларича, киши кексайган сайин тананинг зўриқишидан кейин ўз куч-қувватини тиклаш жараёни секинлаша боради, шунга мувофиқ уйқу муддатларининг чўзилиши табиий ҳолдир. Аммо бу дегани 10-15 соат қилт этмай ётиш жоизлигини билдирмайди. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, уйқунинг тетиклантирувчи таъсир доираси бир ярим соатлик муддатларни (1,5-3, 0-6, 0-7, 5-9 ва ҳ.к.) қамраб оларкан. Бошқача айтганда, сокин ва жадал тунги уйқу босқичлари тахминан 1,5 соат давом этади. Шу муддат охирига етганда танада ҳар сафар фаоллик юзага келади. Кишининг айни шу пайтда уйғониши тетиклик ҳолатига ўтишни осонлаштиради, уйқудан қониқиш ҳиссини келтириб чиқаради.

Уйқусизликни олдини олишнинг муҳим шартларидан бири ҳар куни айни бир пайтда ухлашга ўрганишдир. Бир қарашда бунинг имкони йўқдек туюлади. Турли турмуш ташвишлари, кутилмаган вазиятларни инобатга олмай иложимиз йўқ. Лекин кўп нарса инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ. Ўз умри жиловини шарт-шароитлар ихтиёрига бериб қўйишни истамаган, ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлишни хоҳловчи ҳар қандай кимса шак-шубҳасиз уйқу борасида ҳам ўзи учун мақбул турини топа олади. Бу тўлақонли ва самарали ҳаёт кечириш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва шу тахлит умрга умр қўшишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Жаҳон илму фани, маданиятига салмоқли ҳисса қўша олган машҳур немис файласуфи Иммануэл Кант (1724-1804) ғўдаклик ва ўсмирлик чоғида соғлиғи заиф бўлган, кўплаб хасталиклар гирдобида азият чеккан. Лекин қатъий кун тартибини жорий этиши натижасида 40 ёшга бориб жами касалликлар исканжасидан халос бўлган.

Кант ҳар куни кечқурун соат ўнда уйқуга ётиб, эрталаб бешда уйғонган. Икки соат вақтини турли муолажаларга сарфлаб, нонушта қилиб олгач, роппа-роса соат еттида кўча айланишга чиққан. Қор ёғадими, жала қуядими, ҳар куни бу одатини канда қилмаган. Буюк файласуф ўз кун тартибига шундай қатъийлик билан риоя қилганки, бора-бора аҳоли Иммануэл Кантнинг эрталабки сайрга чиқишига қараб ўз соатларини текширишга одатланишган.

Яна бир мутафаккир И.В.Гёте (1749-1832) ҳам табиатан заиф соғлиғини тиклаш борасида қатъият ва матонат кўрсатган буюк кишилардан биридир. Шунинг учун у ўз соғлиғига беэътибор кимсаларга ачинган, ўз мактубларидан бирида шундай қайд этади: «Манави З.ни қаранг, 75 га чиқар-чиқмас вафот этди-я. Баъзилар шунчалик аянчли мавжудотга ўхшайди, ҳатто узоқроқ яшашни эплай олмай, Худо берган умрини муддатидан аввал барбод этишади».

Гётенинг бу сўзлари асло калондимоғлик эмас, балки ўз ирода кучи, ақл-заковатини ишга солиб, соғлиғини тиклаб олган ва шу тариқа самарали, тўлақонли умр кечириш имконига эга бўлган одамнинг табиатан жуда соғлом бўла туриб, ўз ҳафсаласизлиги боис турли хасталикларга йўлиқувчи ва бевақт нариги дунёга равона бўлувчи кимсалар хатти-ҳаракатларига ачиниш ҳисси уйғотган ўринли таъна дейиш мумкин. Дарвоқе, Кант, Гёте ва бошқа ўз ҳаётида қатъий кун тартибига амал қилган одамларнинг ҳеч қайсисига осон бўлган эмас, хусусан, кўзини юмган заҳоти уйқуга кетаверганлиги аниқ. Турли-туман ижодий режалар, кундузги турмуш ташвишлари уйғотган таассуротлар, кечинмаларнинг уйқуга ётишдан олдин хаёлда чарх уриши мутлақо табиийдир.

Бундай ҳолатни бартараф этиш учун Кант қуйидагича маслаҳат беради: «Қандайдир фикр хаёлда пайдо бўлиши ҳамон дарҳол диққатни буриш жоиз, ўшанда пайдо бўлаётган хаёллар ўзаро келишиб, аралаш-қуралаш таассуротларга айланади, натижада инсон вужуд ҳиссини бой бериб, тасаввурлар оғушига ғарқ бўлади (аслида уйқу деганлари шудир)».

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, диққатни чалғитишнинг бу усули ҳозирги пайтда ҳам энг самарали тадбирлардан биридир. Тез уйқуга кетишнинг бошқа йўллари ҳам кўп. Биз уйқунинг аҳамияти ва моҳиятига қисман тўхталдик, холос.

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**

# Жаҳон ҳафта ичида

## ҚУЁШ ХАЛАҚИТ БЕРДИ

**Нижний Новгородда ўтказилиши лозим бўлган муз ҳайкаллар фестивали орқага сурилди. Бунинг сабаби шаҳарда ҳукмронлик қилаётган илиқ обҳаводир. Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, муз-ку муз, ҳатто унинг ўрнини босиши мумкин бўлган қорни ҳам етарли миқдорда топишнинг иложи бўлмаган.**

Шаҳар маданият ишлари департаментидан хабар қилишларича, фестиваль январь ойининг ўрталарида бўлиб ўтади. Шунда ҳам куннинг совушини кутиш керак. Ҳозирча танлов мавзуси сирлигича қолмоқда. Аммо баъзи узунқулоқ гапларга ишонадиган бўлсак, "ҳайкалтарош"лар ўзларининг янги йилга тегишли фантазияларини жонлантиришга ҳаракат қилиб кўришади.

Ўтган йилги танловга 20 тоннага яқин муз сарфланган бўлиб, иштирокчилар олдиндан дарёдан келтириб қўйилган гигант муз бўлакларидан турли шаклларни ўйишган эди.

## ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ТАРТИБ

**Нью-Йоркнинг янги мэри Элиот Спицер ўзининг биринчи иш кунини икки нафар ити кузатувида бошлаган. Бу ҳақда "The New York Times» газетаси хабар қилган. Спицер иш жараёнини иккита янги қарорга имзо чекиш билан бошлаган. У қарорларни имзолаётган пайтда эса итлари маросимни ёритиш мақсадида ҳозир бўлган журналистларга ҳуриб турган.**

Айтганча, имзоланган ҳужжатлар шаҳар маъмурияти амалдорларининг маънавий қиёфаларига оид. Масалан, Спицер ўз маъмуриятида ишловчи амалдорларнинг хизмат автомашинасидан оилавий мақсадлар йўлида фойдаланиш ва қимматбаҳо совғалар олишини тақиқлаб қўйди.

Ўз вақтида Нью-Йоркнинг бош прокурори лавозимида ишлаган Элиот Спицер ўтган асрнинг 90-йилларида катта обрў қозонган эди. Ўшанда у йирик коррупцион жиноятларни очишга уриниб кўрган. Баъзи кузатувчиларнинг таъкидлашича, Элиот Спицернинг сайловларда ғалаба қозонишига айнан ўша пайтлардаги обрўси қўл келган.

## РИЦАРЛИК ҲАМ ҲАЙФ



**Буюк Британия қироличаси Елизавета II машҳур боксчи Насим Ҳамидни Британия империясининг рицари унвонидан маҳрум қилди, деб хабар тарқатди France Presse.**

Қироличанинг бундай йўл тутишида боксчининг ўтган 2006 йилда 15 ойга озодликдан маҳрум этилгани асосий сабаб вазифасини ўтаган. Ушанда жаҳоннинг собиқ чемпиони ўз автомобилини кайф билан бошқарганликда айбланган эди. Дарвоқе, унинг бундай ҳолатда биринчи маротаба қўлга тушиши эмасди. Бундан икки йил муқаддам у ўзи бошқариб келаётган автомобиль билан яна бир жиноятни амалга оширганди. Соатига 140 км. тезлик билан келаётган боксчи йўлнинг қарама-қарши томонига ўтиб кетган ва тўғридан келаётган автомобилга бориб урилган. Насим Ҳамидга жин ҳам урмади-ю, аммо иккинчи машинанинг ҳайдовчиси ногирон бўлиб қолди.

Келиб чиқиши яманлик бўлган Насим Ҳамид Шеффилд шаҳрида туғилган. У ўз фаолиятини бошлаган 1992 йилдан бери атиги бир маротабагина мағлубиятга учраган, холос. У 1995 йилда профессионал бокснинг WBO йўналишида жаҳон чемпиони бўлган эди. Боксчига рицарлик унвони эса 1998 йилнинг 31 декабрида берилган.

## БИР УМРЛИК ЧИПТА

**Лиссабон-Порту поездида туғилган қизалоққа бир умрлик чипта ҳадя этилди. Бу ҳақда ушбу рейсни амалга оширадиган Comboios de Portugal темир йўл компанияси вакили хабар берган. Comboios de Portugal катталиги жиҳатидан Португалияда иккинчи ўринда турадиган компания саналади.**

Марианна Португалия пойтахтидан Порту шаҳрига йўл олган поезднинг вагон-ресторанида дунёга келган. Бевақт тўлғоқ тутган аёлга эса кондуктор ва вагон-ресторан хизматчиларидан бири доялик қилган. Тўғри, бу пайтда уларга ҳақиқий акушер телефон орқали ўз маслаҳатларини бериб турган эди.

Кейинроқ қизалоқ ўз онаси билан касалхонага келтирилган ва у ердаги шифокорлар ҳар иккаласининг ҳам соғлом эканлигига гувоҳлик беришган. Темир йўл компанияси раҳбарияти ҳам ёш онани табриклашни унутмаган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## БИЛАСИЗМИ?

Одам бир кунда 15 мартагача кулади. Йиғининг ўртача кўрсаткичи эса уч кунга бир марта тўғри келар экан.

* * *

**Нисбийлик назариясининг асосчиси Альберт Эйнштейн 3 ёшигача бир оғиз ҳам гапирмаган. Лекин 12 ёшида Евклид геометриясига "тиши ўтган"ига нима дейсиз?**

* * *

Ҳар сонияда Ер аҳолисининг 1 фоизи ичкилик туфайли вафот этади.

* * *

**Аёллар кокили ўртача 200 минг соч толасидан иборат, у 20 тоннагача юкни кўтаришга қодир.**

* * *

Инсон умрининг охиригача 150 триллион бит ахборотни эслаб қолар экан.

* * *

**Юқоридаги киприкларимиз сони 150–200, пасткилари эса 50–100 тагача бўлади. Уларнинг «ҳаёти» эса 150 кунгача давом этади. Қайта ўсиб чиқаверади. Бир йилда 84 миллион марта киприк қоқар эканмиз.**

* * *

Миямизда 20 миллиард дона асаб ҳужайралари жойлашган. Улар ҳар куни 96 миллион бит ахборотни сақлаб қолиш қудратига эга.

**Беҳзод ҚОДИРОВ тайёрлади.**

**(Газетамизнинг келгуси сони 17 январь куни чиқади).**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 23.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2344
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.30